



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 23 » май

№ 326

Toshkent sh.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман ва шаҳарларда нуронийлар жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада кўллаб-куватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман ва шаҳарларда нуронийлар жамоатчилик кенгашлари (кейинги ўринларда – Нуронийлар кенгаши) ташкил этилсин.

2. Куйидагилар Нуронийлар кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кексаларни қўллаб-куватлаш соҳасига оид қонун хужжатларининг ижросини таъминлашга кўмаклашиш;

нуронийларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли энг муҳим масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлигининг (кейинги ўринларда – вазирлик) худудий бўлинмалари фаолияти ҳақида жамоатчиликнинг, шу жумладан кексалар фикрини тизимли мониторинг ва ҳар томонлама таҳлил қилиш;

ёлғиз кексалар, пенсionерлар, ногиронлиги бўлган нуронийларнинг муаммоларини комплекс ўрганиш ва бу борада таклифлар ишлаб чиқиш;

қабул қилинаётган қарорларда, шунингдек, тармоқ ва худудий ривожлантириш дастурларида кексалар манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши, вазирлик худудий бўлинмаларининг нуронийлар манфаатларига дахлдор вазифаларини бажариш билан боғлиқ фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

маҳаллаларда нуронийларнинг билим ва бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш масалаларида самарали фойдаланиш тизимини йўлга кўйишга кўмаклашиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-куватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон Фармонининг 11-бандига мувофиқ вазирлик ҳудудий бўлинмалари бошлиқларининг тегишли ўринbosарлари – нуронийлар кенгашлари раислари этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки:

Нуронийлар кенгаши вазирликнинг тегишли ҳудудий бўлинмаси раҳбари қарори билан ташкил этилади;

Нуронийлар кенгаши ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланади;

вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари бошлиқларининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринbosарлари нуронийлар кенгашларининг фаолиятини самарали ташкил этишга шахсан жавобгар ҳисобланади.

4. Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари тўғрисидаги намунавий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Вазирлик бир ой муддатда белгиланган тартибда:

ушбу қарор билан тасдиқланган Намунавий низом асосида нуронийлар кенгашлари тўғрисидаги низомларнинг;

нуронийлар кенгашлари таркибининг;

нуронийлар кенгашларига юклangan асосий вазифалардан келиб чиқиб, уларнинг чораклик иш режаларининг тасдиқланишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман ва шаҳарлар ҳокимлеклари нуронийлар кенгашлари фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларнинг тезкор ва сифатли ҳал этилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига ушбу қарорда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазири Р.Т. Маматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “23” майдаги 326-сон қарорига
-илова

Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Намунавий низом (кейинги ўринларда – Низом) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман ва шаҳарлардаги нуронийлар жамоатчилик кенгашларининг (кейинги ўринларда – Нуронийлар кенгаши) асосий вазифалари, функциялари, хуқуклари ва мажбуриятлари ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Нуронийлар кенгаши ўз ишини жамоатчилик асосида амалга оширадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланади.

3. Нуронийлар кенгаши ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш вазирлигининг ҳужжатларига, мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

4. Нуронийлар кенгашининг қарорлари тавсиявий хусусиятга эга.

5. Нуронийлар кенгаши тўғрисидаги низом мазкур Низом асосида вазирликнинг тегишли ҳудудий бўлинмалари бошлиқларининг қарорлари билан тасдиқланади.

6. Нуронийлар кенгашларининг таркиби тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш вазирлиги, маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш туман (шаҳар) бўлимлари (кейинги ўринларда – вазирлик ҳудудий бўлинмалари) бошлиқларининг қарорлари билан тасдиқланади.

7. Нуронийлар кенгаши қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, ўзаро хурмат, тенг хукуқлилик, ихтиёрийлик ва жамоатчилик фикрини хисобга олиш тамойиллари асосида фаолият юритади.

2-боб. Нуронийлар кенгашининг асосий вазифалари ва функциялари

8. Куйидагилар Нуронийлар кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

кексаларни қўллаб-куватлаш соҳасига оид қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашга қўмаклашиш;

нуронийларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига таалуқли энг муҳим масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг (кейинги ўринларда – вазирлик) ҳудудий бўлинмалари фаолияти ҳақида жамоатчиликнинг, шу жумладан кексалар фикрини тизимли мониторинг ва ҳар томонлама таҳлил қилиш;

ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган нуронийларнинг муаммоларини комплекс ўрганиш ва бу борада таклифлар ишлаб чиқиш;

қабул қилинаётган қарорларда, шунингдек, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида кексалар манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши, вазирлик ҳудудий бўлинмаларининг нуронийлар манфаатларига дахлдор вазифаларини бажариш билан боғлиқ фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

маҳаллаларда нуронийларнинг билим ва бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш масалаларида самарали фойдаланиш тизимини йўлга кўйишга кўмаклашиш.

9. Нуронийлар кенгаши ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни бажаради:

а) кексаларни қўллаб-қувватлаши соҳасига оид қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаши соҳасида:

кексалар учун қонунчиликда назарда тутилган пенсиялар ва имтиёзлар бўйича қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширади, ушбу соҳада вазирлик ҳудудий бўлинмаларига кўмаклашади;

қариялар, ногиронлиги бўлган нуронийлар ва ёлғиз кексаларни даволаш, тизимли соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактика тадбирлари билан қамраб олиш даражасини ўрганади ҳамда натижаси бўйича таклифлар тайёрлайди;

ёрдамга муҳтоҷ кексалар ва ногиронлиги бўлган нуронийларни сифатли ёрдамчи ва техник реабилитация воситалари билан таъминлаш даражасини ошириш, уларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш чораларини кўриш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

б) нуронийларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таалуқли энг муҳим масалалар юзасидан вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари фаолияти ҳақида жамоатчиликнинг, шу жумладан кексалар фикрини тизимли мониторинг ва ҳар томонлама таҳлил қилиши соҳасида:

соҳага алоқадор бўлган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини кексаларга доимий равиша тушунтириб боради;

вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан кексаларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш чораларини кўради;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг кексалар, шу жумладан ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган нуронийлар билан учрашувларини, шунингдек, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ишларни, шу жумладан жойларга бориб ташкил этишда қатнашади ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қиласди;

мехнат фахрийларининг маҳаллаларда ҳамда оилаларда тинчлик ва осойишталиктни таъминлаш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштиришдаги иштирокини кенгайтириш ишларига ёрдамлашади;

в) ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган нуронийларнинг муаммоларини комплекс ўрганиши ва бу борада таклифлар ишлаб чиқиши соҳасида:

ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган нуронийларнинг уй-жой, ижтимоий-маиший шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини яхшилашда кўмаклашади;

ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларда тадбиркорлик руҳини уйғотиш ҳамда оилавий салоҳиятни рӯёбга чиқаришда ҳаётий тажрибадан келиб чиқиб, йўл-йўриқ кўрсатади ҳамда оила аъзоларининг бандлигини таъминлашга кўмаклашади;

маҳаллаларда аҳоли, шу жумладан ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган нуронийларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича “маҳалла – сектор – Халқ қабулхонаси – маҳалла” тамойили асосида ҳамкорлик тизимини самарали ташкил этишда фуқаролар йигинларидаги “кексалар маслаҳати” гуруҳлари ва бошқа жамоатчилик тузилмалари аъзоларини, ижтимоий фаол меҳнат фахрийларини кенг жалб этади;

“Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин” шиори остида кексалар, шу жумладан кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож нуронийларни мамлакатимиздаги тарихий жойлар билан таништириш учун сайёхлик сафарларини, зиёрат туризмларини ташкил этиш бўйича таклифлар киритади;

г) қабул қилинаётган қарорларда, шунингдек, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириши дастурларида кексалар манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олинини, вазирлик ҳудудий бўлинмаларининг нуронийлар манфаатларига даҳлдор вазифаларини бажарини билан боғлиқ фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши соҳасида:

тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурлари, чора-тадбирлар режаларини, шу жумладан кексаларни кўллаб-қувватлашга оид бошқа хужжатларни ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

нуронийларнинг оилаларни мустаҳкамлаш, ажримларнинг олдини олиш, оилавий қадриятларни, шу жумладан “Оила – муқаддас” деган эзгу ғоя тарғиботидаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ташкил этишда қатнашади;

маҳаллаларда ва оилаларда соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш, оммавий спортни ривожлантириш ишларини “умуммиллий ҳаракат”га айлантиришда нуронийларнинг ташаббускор бўлишларини тарғиб қиласди;

маҳаллаларда тўйлар ва бошқа маросимларнинг ихчам, кенг аҳоли манфаатларининг ҳисобга олган ҳолда ўтказилишини таъминлашда нуронийларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаб боради;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиша ошкоралик, муқобиллик ҳамда тенг сайлов ҳукуқи принциплариға риоя этилишини таъминлашда иштирок этади;

д) маҳаллаларда нуронийларнинг билим ва бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар маънавиятини юксалтириши, уларда ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш масалаларида самарали фойдаланиши тизимини йўлга қўйишга кўмаклашиш соҳасида:

ўсиб келаётган ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни уларнинг онгига сингдириш ҳамда уларнинг юксак маънавиятли ва садоқатли бўлиб вояга етишларида кексаларнинг ижтимоий фаоллигини оширади, бу борада ҳарбий округлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш чораларини кўради;

нуронийларнинг ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат, ёши катта инсонларни хурмат қилиш, мардлик, ҳалоллик, одиллик ва раҳмдиллик каби эзгу туйғуларни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирларини ташкил этади;

ёшларни тўғри йўлга бошлаш, улар ўртасида лоқайдлик ва боқимандаликнинг олдини олиш, ҳукуқий маданиятни ошириш ва ножӯя хатти-ҳаракатлардан қайтариш каби тадбирларда нуронийларнинг фаоллигини оширади;

аҳоли ўртасида оиласи қадриятларни тарғиб қилиш, оиласарда фарзандларни маънавий-аҳлоқий тарбиялаш ва жамият олдидағи масъулият ҳиссини оширишда нуроний отахон ва онахонларнинг ҳаётий тажрибаларидан кенг фойдаланишга қаратилган тарғибот тадбирларини уюштиришга кўмаклашади;

маҳаллалар, кўчалар, қабристонлар ва хонадонлар тозалиги ҳамда ободлигини таъминлашнинг аҳамиятини ёшларга ўргатиш, уларни ушбу ишларга сафарбар қилишда кексаларни ташаббускорликка чорлайди;

кексалар ва фахрийларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида “Нуронийлар масканлари”да ва маҳаллаларда турли маданий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар ва спорт мусобақаларини ўтказиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

кексалар ўртасида тўрт босқичли “Ёшлар мураббийси” кўрик-танловининг маҳаллалараро (сараплаш), туман (шахар) ва ҳудудий босқичларини ташкил этиш ва ўтказиша масъуллар ҳамда иштирокчилар томонидан қонунийлик, шаффофлик, ошкоралик, адолатлилик, тенглик каби принципларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

З-боб. Нуронийлар кенгашининг хукуқлари ва мажбуриятлари

10. Нуронийлар кенгаши ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун:

вазирлик худудий бўлинмалари йиғилишлари ва бошқа оммавий тадбирлар тўғрисидаги ахборотни сўраб олиш ҳамда мазкур тадбирларда иштирок этиш;

ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган фаол, ташаббускор кексаларни “**Маҳалла ифтихори**” ва “**Мехнат фахрийси**” кўкрак нишонлари билан тақдирлаш юзасидан вазирлик худудий бўлинмаларига таклифлар киритиш;

ўзига юкланган вазифалар ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан вазирлик худудий бўлинмалари бошлиқлари томонидан ҳар чоракда тегишли халқ депутатлари кенгашларига тақдим этиладиган ахборотларга таклифлар киритиш;

вазирликнинг худудий бўлинмалари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотлар, статистика ва бошқа материалларни белгиланган тартибда олиш;

вазирликнинг худудий бўлинмалари томонидан ишлаб чиқилган дастур ва режалар лойиҳаларининг жамоатчилик ва мутахассислар муҳокамасини таъминлашда иштирок этиш;

кексаларнинг мурожаатларига вазирлик худудий бўлинмалари томонидан берилган жавобларнинг сифатини таҳлил қилиш;

фуқаролар йигинлари раисларининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилари, “кексалар маслаҳати” гурӯҳлари ва маҳаллалардаги бошқа жамоатчилик тузилмалари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича тавсиялар бериш;

ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган нуронийлар, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ва кам таъминланган оиласарнинг розилиги билан уларнинг уй-жой ва ижтимоий-маиший шарт-шароитлари билан танишиш;

Нуронийлар кенгаши мажлисларида муҳокама қилинадиган масалаларни ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш;

юкланган вазифаларни бажариш учун семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш, зарур ҳолларда уларга давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг масъул ходимларини ҳамда маҳалла фаолларини таклиф этиш хукуқига эга.

Нуронийлар кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Нуронийлар кенгаши ўз фаолиятини амалга оширишда:

жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиши;

вазирликнинг худудий бўлинмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга амал қилиши;

давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслиги;

давлат органи ва унинг мансабдор шахслари фаолият кўрсатиши учун тўсқинлик қилмаслиги шарт.

Нуронийлар кенгашининг қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

4-боб. Нуронийлар кенгашининг таркибини шакллантириш ва ишини ташкил этиш тартиби

12. Нуронийлар кенгашининг таркибига раис, раис ўринбосари ва аъзолари киради.

Вазирлик худудий бўлинмаларининг бошлиқларининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосарлари бир вақтнинг ўзида тегишли нуронийлар кенгашларига ҳам раислик қиласди.

Вазирлик худудий бўлинмалари кексалар ва фахрийларни қўллаб-куватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича мутахассислари бир вақтнинг ўзида тегишли нуронийлар кенгашларининг котиблари ҳисобланади.

Нуронийлар кенгashi раисининг ўринбосарлари Нуронийлар кенгashi аъзолари орасидан йиғилиш иштирокчиларининг учдан икки қисми овози билан сайланади.

13. Нуронийлар кенгashi 15 нафар аъзодан иборат таркибда шакллантирилади.

Нуронийлар кенгashi таркиби, қоида тариқасида:

а) давлат органлари ва муассасаларида, нодавлат нотижорат ташкилотларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида намунали хизмат кўрсатган меҳнат фахрийлари;

б) давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари фахрийлар кенгашларининг фаол раислари;

в) жамоатчилик фаолияти соҳасида катта амалий тажрибага эга бўлган обрў-эътиборли ва ташаббускор зиёлилар;

г) нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг нуроний ходимлари;

д) намунали фуқаролар йигинлари раисларининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиларидан шакллантирилади.

Нуронийлар кенгashi аъзолигига давлат органлари ходимлари ва мансабдор шахсларининг киритилиши тақиқланади.

14. Нуронийлар кенгашининг таркиби вазирлик худудий бўлинмаси бошлигининг қарори билан ҳар 3 йилда тасдиқланади.

15. Куйидаги ҳолатларда Нуронийлар кенгashi раисининг ўринбосарлари ва аъзолари унинг таркибидан чиқарилиши мумкин:

улар томонидан Нуронийлар кенгаши таркибидан чиқиш тўғрисида ариза берилганда;

Нуронийлар кенгашининг мажлисларида мунтазам равиша иштирок этмаганда, мазкур Низомнинг 11-бандида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганда;

Нуронийлар кенгашига юкланган вазифалар ижросини таъминлаш ишларида мунтазам қатнашмаганда;

уларга нисбатан чиқарилган суднинг айблов хукми қонуний кучга кирганда;

вафот этганда, шунингдек, суд қарорига кўра улар муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топилганда.

16. Нуронийлар кенгашининг таркиби тўғрисидаги маълумот ва киритилган ўзгартиришлар тасдиқланган кунда вазирлик ҳудудий бўлинмаларининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

17. Нуронийлар кенгашининг раиси:

Нуронийлар кенгашининг фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи;

Нуронийлар кенгашининг мажлисларини чақиради ва кун тартибидаги масалаларни белгилайди;

Нуронийлар кенгашининг мажлисларида раислик қиласи;

Нуронийлар кенгашининг иш режалари, мажлис баённомалари ва бошқа ҳужжатларини тасдиқлади;

Нуронийлар кенгаши қарорларининг ижросини назорат қиласи;

Нуронийлар кенгаши аъзоларининг зиммасига юкланган вазифалар бажарилишини мувофиқлаштиради;

Вазирлик ҳудудий бўлинмаларининг расмий веб-сайтларида ва бошқа ресурсларда жойлаштириладиган Нуронийлар кенгашининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар таркиби бўйича таклифлар киритади ва уни вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари бошлиqlари билан келишади;

Нуронийлар кенгашининг қарорларини бажариш масалалари юзасидан давлат органларининг ҳудудий бўлинмалари, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қиласи;

Нуронийлар кенгашининг самарали ишини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

18. Нуронийлар кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда, унинг вазифаларини раис ўринбосари бажаради.

19. Нуронийлар кенгаши раисининг ўринбосари:

раис йўқлигига Нуронийлар кенгашининг мажлисларида раислик қиласи;

Нуронийлар кенгаши қарорларининг ижросини назорат қилиш ишларини ташкил этади;

фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қиласди, шунингдек, Нуронийлар кенгаши фаолиятига тааллуқли мурожаатларни қўриб чиқиш ишларини ташкил этади;

Нуронийлар кенгашининг самарали ишларини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

20. Нуронийлар кенгашининг котиби:

Нуронийлар кенгашининг фаолиятини услубий, ташкилий-ҳуқуқий ва ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қиласди;

Нуронийлар кенгашининг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, вазирлик худудий бўлинмалари ходимларидан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

кун тартибига мувофиқ Нуронийлар кенгашининг мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

Нуронийлар кенгаши мажлислари ўтказиладиган сана, жой ва уларга таклиф этиладиган шахслар рўйхатини Нуронийлар кенгашининг раиси билан келишади;

Нуронийлар кенгашининг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни Нуронийлар кенгаши мажлислари ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳақида хабардор қиласди;

Нуронийлар кенгаши қарорлари бажарилишининг мониторингини олиб боради ва унинг натижаларини Нуронийлар кенгашлари мажлисида қўриб чиқиш бўйича таклифлар киритади;

Нуронийлар кенгаши мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг Нуронийлар кенгаши аъзолари ҳамда бошқа манфаатдор шахсларга юборилишини таъминлайди;

Нуронийлар кенгашининг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

21. Нуронийлар кенгашининг аъзолари ўз мажлисларида қўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилишда ўз ваколатини бошқаларга ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

Нуронийлар кенгашининг мажлисида иштирок этиш имкони бўлмаган ҳолатларда, Кенгаш аъзолари мажлис кун тартиbidаги масалалар бўйича ўз фикрини ёзма шаклда юбориши мумкин. Бунда унинг фикри мажлисда қўриб чиқилади ва овоз беришда ҳисобга олинади.

Нуронийлар кенгашининг аъзолари:

ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун вазирликнинг худудий бўлинмаларида, фуқаролар йиғинларида ташкил этиладиган мажлисларда ва бошқа оммавий тадбирларда иштирок этади;

Нуронийлар кенгаши иш режаларининг лойиҳаларини тайёрлайди, уларни Нуронийлар кенгашида қўриб чиқиш учун киритади ва тасдиқланган иш режалари бажарилишини таъминлайди;

вазирлик ҳудудий бўлинмалари ҳамда фуқаролар йигинлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиша ҳамда амалга оширишда қатнашади;

ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган нуронийлар, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ва кам таъминланган оилалар билан учрашувлар ўтказади ва уларнинг ҳуқуqlари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича таклифларни Нуронийлар кенгашига киритади;

Нуронийлар кенгашининг кун тартибига киритилган масалалар юзасидан таҳлилий материаллар тайёрлайди;

Нуронийлар кенгашининг ваколатига кирадиган масалалар билан боғлиқ мурожаатларни кўриб чиқади ва натижалари бўйича тегишли хужжатларни тайёрлайди;

Нуронийлар кенгашига юклangan вазифалар ва функцияларга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

22. Нуронийлар кенгаши фаолиятининг асосий масалалари унинг мажлисларида кўриб чиқилади. Нуронийлар кенгашининг мажлиси иш режалари асосида ҳар чоракда камида бир маротаба чақирилади.

Нуронийлар кенгаши раисининг ташаббуси, шунингдек, Нуронийлар кенгаши аъзолари учдан бир қисмининг ёзма мурожаати асосида унинг навбатдан ташқари мажлиси чақирилиши мумкин.

23. Нуронийлар кенгашининг мажлисларида давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг вакиллари, маҳалла фаоллари таклиф этилиши мумкин.

24. Нуронийлар кенгаши мажлиси кун тартибининг лойиҳаси котиб томонидан Нуронийлар кенгаши аъзоларининг таклифлари ва Нуронийлар кенгаши раисининг топшириғи асосида шакллантирилади.

25. Нуронийлар кенгашининг мажлисини унинг раиси олиб боради.

Раис иштирок эта олмаган ҳолатларда, мажлисни унинг ўринбосари олиб боради.

Нуронийлар кенгашининг мажлисида вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ва бошқа ходимлари иштирок этиши мумкин.

26. Нуронийлар кенгашининг мажлиси, агар унда Нуронийлар кенгаши аъзоларининг камида учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади.

Мажлисни ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, Нуронийлар кенгашининг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади.

27. Нуронийлар кенгаши қарорлари унинг аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

28. Нуронийлар кенгашининг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг фикрини ёзма ва оғзаки шаклда ифодалашга ҳақли.

Унинг фикри Нуронийлар кенгаши мажлисининг баённомасига мажбурий тартибда қўшиб қўйилади.

29. Нуронийлар кенгашининг мажлисида қабул қилинган қарор баённома билан расмийлаштирилади.

Нуронийлар кенгаши мажлисининг баённомаси котиб томонидан имзоланади, мажлисга раислик қилувчи томонидан тасдиқланади ва уч кун муддатда вазирлик худудий бўлинмаларига, фуқаролар йигинларига, Нуронийлар кенгаши аъзоларига ва манфаатдор шахсларга юборилади.

30. Нуронийлар кенгашининг қарорини тезлик билан қабул қилиш зарурати туғилганда, қарор кенгаш раисининг ташаббуси билан Нуронийлар кенгашининг аъзолари билан келишилган ҳолда сўров йўли билан ҳам қабул қилиниши мумкин.

Вазирликнинг худудий бўлинмалари Нуронийлар кенгашининг қабул қилган қарорига қўшилмаган ҳолларда, Нуронийлар кенгашининг қарорини олган кундан бошлаб ўн кун муддатдан кечикмай унга асослантирилган эътирозини ёзма шаклда юборади.

31. Нуронийлар кенгашининг котиби кенгаш аъзолари кўмагида Нуронийлар кенгашининг топшириқ ва қарорлари ижросининг ҳолатини ўрганади ва кўриб чиқади, зарур бўлган ҳолларда, Нуронийлар кенгашининг раисига тегишли таклифлар киритади.

32. Вазирлик худудий бўлинмаларининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринbosарига бириктирилган таркибий бўлинма Нуронийлар кенгашига доимий равишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

33. Нуронийлар кенгашининг фаолиятини моддий-техник жиҳатдан вазирлик худудий бўлинмаси томонидан, шунингдек, қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан таъминланади.

34. Нуронийлар кенгашининг фаолияти унинг низомига ва қонун хужжатларига мувофиқ эканлиги вазирлик худудий бўлинмаси раҳбари томонидан назорат қилинади.

